



Иш вазифаси

// должностные обязанности

ГУРУХ ВА КОТИБИАТЛАР РАХБАРЛАРИ

www.andijan.uz

Андижон вилояти ҳокимлиги

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ГУРУҲИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Андижон вилояти ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи (кейинги матнларда “Гуруҳ” деб юритилади) Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 17 июндаги 301-сон “Вилоят ва Андижон шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллиштириш тўғрисида”ги ҳамда вилоят ҳокимининг 1997 йил 3 июлдаги 164-сон “Андижон вилояти ҳокими ижроия маҳкамаси тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида” қарорларига асосан ташкил этилган.

2. Мазкур Низом Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 16 апрелдаги 199-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2004 йил 23 февралдаги 81-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси тузилмасини, штатлар жадвалини ва бошқарма тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Гуруҳ фаолияти бозор ислохотларининг ахборот-таҳлил таъминотини амалга оширишга, вилоят ҳокимлиги котибият ва гуруҳлари, иқтисодиёт, давлат ва хўжалик бошқаруви вилоят органларининг макроиқтисодий, тармоқ ва минтақавий ривожлантириш дастурлари стратегиясини ишлаб чиқишдаги ахборот-таҳлилий ва прогноз фаолиятини мувофиқлаштиришга, қисқа муддатли даврда макроиқтисодий ва ижтимоий сиёсат самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ҳамда ўрта ва узоқ муддатли даврларда иқтисодий ислохотлар стратегиясининг вариантлари бўйича таклифлар ишлаб чиқишга йўналтирилган.

4. Гуруҳ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Олий Мажлис қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокими қарор ва фармойишларига, бошқа норматив ҳужжатларга ва ушбу Низомга амал қилади.

II. Гуруҳнинг вазифалари

5. Қуйидагилар Гуруҳнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

худудлар бўйича ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширилиши юзасидан мониторинг (кузатув) олиб борилишини ташкил этиш;

макроиқтисодий ҳолат ва ижтимоий вазият таҳлил қилинишини таъминлаш, иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан ўзгаришларини ва унинг ривожланиш тенденцияларини баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаменти билан биргаликда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дастурларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш ва уларнинг мониторингини ташкил этиш;

иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилишини ва ижтимоий иқтисодий вазиятни барча йўналишлар бўйича макро даражада, шунингдек тармоқ ва худудлар бўйича, вилоят ҳокимлиги котибият ва гуруҳлари, давлат ва хўжалик бошқаруви вилоят органларининг ахборот-таҳлилий, прогноз фаолиятини, жумладан иқтисодиёт тармоқлари ҳамда худудларни ривожлантириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, шулар асосида тизимли комплекс ўрганишларни ташкил этиш;

маълумотларнинг тегишли базаларини яратиш, макроиқтисодий ва ижтимоий вазият, иқтисодий ислохотларнинг макро даражада, шунингдек тармоқлар ва худудлар бўйича бориши, хусусийлаштириш, таркибий ва институционал қайта ўзгаришлар, давлат бошқаруви вилоят органлари, корпоратив бошқарув, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, товарлар, сармоялар, меҳнат бозорини шакллантириш, фонд бозори фаолияти масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш ҳамда уларнинг натижалари

бўйича вилоят ҳокими ва Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йиғма ахборот-таҳлил департаментига ахборот бериб бориш;

вилоят ҳокими маҳкамаси котибият ва гуруҳлари, давлат ва хўжалик бошқаруви вилоят органлари томонидан тайёрланадиган энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича мақсадли дастурлар, вилоят ҳокими қарор ва фармойишлари лойиҳаларини эксперт баҳолаш.

III. Гуруҳнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

6. Гуруҳ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Гуруҳга юкланган вазифалар доирасида вилоят ҳокимлиги котибият ва гуруҳлари, давлат ва хўжалик бошқаруви вилоят органлари, Марказий банк ва тижорат банклари, бозор инфратузилмаси институтларидан, шаҳар ва туман ҳокимликларидан зарур таҳлилий ва статистик ахборотларни, бюджет статистикаси ва социологик сўровлар бўйича маълумотлар сўраш ва олиш;

вилоят ҳокимлиги котибият ва гуруҳлари, давлат ва хўжалик бошқаруви вилоят органларининг иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни барча йўналишлар бўйича макро даражада, шунингдек тармоқ ва ҳудудлар бўйича ахборот-таҳлилий ҳамда прогноз фаолиятини, жумладан иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудларни ривожлантириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

вилоят иқтисодиёт идоралари ходимларини, маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда махсус социологик, бюджет текширувлари, таҳлилий ва ахборот тадқиқотлари ўтказиш бўйича вақтинчалик эксперт таҳлилий гуруҳлар тузиш;

ижтимоий-иқтисодий тадқиқотларга Иқтисодиёт, Давлат мулкни бошқариш, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш, Молия, Солиқ, Статистика, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Марказий банк бошқармалари ҳамда бошқаларни жалб этиш;

қисқа, ўрта ва узок муддатли истиқболда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияси бўйича таклифларни, макроиқтисодий, тармоқ ва минтақавий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви вилоят органлари, тадқиқот ташкилотлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдорлар билан Гуруҳ ваколатига кирувчи масалалар бўйича мустақил равишда ёзишмалар олиб бориш.

7. Гуруҳ қуйидагиларга мажбур:

вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги тенденциялар тавсифловчи таҳлилий материалларни вилоят ҳокимига тақдим этиш;

вилоят ҳокими топшириғига биноан вилоят ҳокимининг айрим қарорлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, шунингдек мақсадли ва комплекс дастурлар бажарилиши мониторингини иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш;

энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича вилоят ҳокими қарорлари, тармоқ ва минтақавий дастурлар лойиҳасини ишлаб чиқишда қатнашиш.

IV. Гуруҳнинг тузилмаси

8. Гуруҳ тузилмасига: Гуруҳ раҳбари, икки нафар бош мутахассиси ва икки нафар етакчи мутахассиси қиради.

9. Ахборот-таҳлил гуруҳи вилоят ҳокими ва Вазирлар Маҳкамаси йиғма ахборот-таҳлил департаментига ҳисобот беради.

10. Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари лавозимига Вазирлар Маҳкамаси йиғма ахборот-таҳлил департаменти бошлиғи билан келишилган ҳолда вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва озод этилади.

V. Гуруҳ фаолиятини ташкил этиш

11. Гуруҳ ўз фаолиятини вилоят ҳокими билан келишилган ва гуруҳ раҳбари томонидан тасдиқланган йиллик ва чораклик режалари асосида ташкил этади.

12. Гуруҳ фаолияти вилоят ҳокимлиги котибият ва гуруҳлари, давлат ва хўжалик бошқаруви вилоят органлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган таҳлилий ва статистик материалларни, муаммоларни ўрганиш асосида амалга оширилади.

13. Гуруҳга вилоят ҳокими қарори билан лавозимга тайинланадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

14. **Гуруҳ раҳбари:**

гуруҳга юкланган вазифалар ижроси учун шахсан жавоб беради;

гуруҳнинг ахборот-таҳлилий фаолияти тўғрисида вилоят ҳокими ва Вазирлар Маҳкамаси йиғма ахборот-таҳлил департаментига ахборот бериб боради;

Гуруҳ ходимлари томонидан давлат ва меҳнат интизомига риоя этилишини таъминлайди.

15. Гуруҳ раҳбари ўзига ва гуруҳга юкланган вазифалар доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Гуруҳга юкланган вазифалар доирасида ва унинг ваколатига кирувчи жорий фаолият бўйича масалаларни мустақил равишда ҳал этади;

Гуруҳ ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, уларнинг бажарилишини назорат қилади;

вилоят ҳокимлиги котибият ва гуруҳлари, давлат ва хўжалик бошқаруви вилоят органлари, шаҳар ва туман ҳокимликларидан тармоқ ва ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш юзасидан қабул қилинган қарорларни муддатида сифатли бажарилишини талаб қилиш, шунингдек, уларнинг бажарилиши бўйича тезкор ва статистик ахборотларни сўрашга ҳақлидир;

вилоят ҳокимига гуруҳда ишлашга тавсия қилинаётган номзодлар тўғрисида ва гуруҳ ходимларининг лавозим маошига шахсий устамалар миқдорларини белгилиш тўғрисида таклифлар киритади;

Гуруҳ раҳбари, белгиланган тартибда тайёрланган ҳужжатларни имзолаш, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

16. Гуруҳни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Андижон вилояти ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари